

“Ўзтрансгаз” АЖ  
Кузатув кенгаши мажлисининг  
2023 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги  
\_\_\_\_\_ -сон баённомасига  
1-Илова

“ЎЗТРАНСГАЗ”  
акциядорлик жамияти  
БИЗНЕС-РЕЖАСИ



ТОШКЕНТ

NOV  
2023

## МУНДАРИЖА

1. ЖАМИЯТ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ .....	3
1.1 ЖАМИЯТНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШ ТАРИХИ .....	3
1.2 РЕКВИЗИТЛАР .....	4
1.3 ЖАМИЯТНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ.....	4
1.4 ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМА .....	5
2. ГАЗ УЗАТИШ ТИЗИМИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА РИВОЖЛАНИШИ .....	7
3. ТАБИИЙ ГАЗ БОЗОРИ ТУЗИЛМАСИ ВА МАРКЕТИНГИ КОНЦЕПЦИЯСИ .....	8
4. МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ, САНОАТ ХАВФСИЗЛИГИ ВА ЭКОЛОГИЯ.....	11
5. ЁҚИЛҒИ-ЭНЕРГЕТИКА РЕСУРСЛАРИНИ ТЕЖАШ .....	12
6. МАҲСУЛОТЛАРНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА МУВОФИҚЛИГИ.....	14
7. МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИНИ (МҲХС) ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ .....	15
8. МОЛИЯВИЙ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИ .....	16
9. КАПИТАЛ ҚЎЙИЛМАЛАР .....	19
10. ИНВЕСТИЦИЯ ДАСТУРИ .....	20
11. ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, КООПЕРАЦИЯ АЛОҚАЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ .....	21
12. ТЕХНИК СИЁСАТ.....	22
13. ПЕРСОНАЛНИ БОШҚАРИШ СОҲАСИДА РИВОЖЛАНИШ.....	23
14. ЎЗТРАНСГАЗ” АЖНИНГ ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШ ИШЛАРИ ЮЗАСИДАН.....	25
15. ЖАМИЯТНИ МОЛИЯВИЙ СОҒЛОМЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ЧОРА- ТАДБИРЛАР .....	29
ИЛОВАЛАР .....	32

## 1. Жамият ҳақида маълумот

### 1.1 Жамиятнинг ташкил топиш тарихи

**1962 ЙИЛ** Газ конларини ўзлаштириш бошланиб, Бухоро-Урал ва Ўрта Осиё – Марказ газ қувурлари ўтказила бошланди.

**1973 ЙИЛ** “Ўзбекгазсаноат” ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилиб, “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти ташкил этилди ва алоҳида газ транспорти компанияси сифатида ривожлана бошлади.

**1978 ЙИЛ** Ер ости омборидан экспериментал фойдаланиш бошланди ва келгуси йилдан – Газли газ конида газ омбори ишга туширилди.

**1992 ЙИЛ** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 декабрдаги 585-сон қарорига мувофиқ “Ўзбекнефтгаз” Миллий нефт компанияси таркибидаги “Ўзбекгазсаноат” ишлаб чиқариш бирлашмасининг ихтисослаштирилган бўлинмалари негизида “Ўзтрансгаз” АЖ ташкил этилди.

**1999 ЙИЛ** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 11 декабрдаги “Ўзбекнефтгаз” нефт ва газ саноати Миллий корпорациясини “Ўзбекнефтгаз” Миллий холдинг компаниясига айлантириш тўғрисида”ги ПФ-2154-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 декабрдаги “Ўзбекнефтгаз” Миллий холдинг компаниясини ташкил этиш ва унинг фаолияти тўғрисида”ги 523-сон қарорига мувофиқ, “Ўзтрансгаз” АЖ юридик шахс мақомига эга бўлган ҳолда очиқ акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилган.

**2006 ЙИЛ** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 8 августдаги “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 438-сон қарорига мувофиқ, “Ўзкоммунизма” миллий агентлигининг газ таъминоти бўйича вазифалари 6 та ҳудудлараро корхона ташкил этилган ҳолда “Ўзтрансгаз” АЖга ўтказилди.

**2009 ЙИЛ** Фарғона водийси истеъмолчиларини табиий газ билан таъминлаш мақсадида Қамчиқ довони орқали Оҳангарон компрессор станцияси билан 165 километр узунликдаги ва “Оҳангарон-Пунган” магистрал газ қувури қурилиши якунланиб фойдаланишга топширилди.

**2017 ЙИЛ** “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги ПҚ-3107-сон қарорига асосан “Ўзтрансгаз” акциядорлик компаниясидан акциядорлик жамиятига қайта ташкил этилди

**2019 ЙИЛ** Президентнинг 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4388-сон қарорига асосан “Ўзтрансгаз” АЖ “Ўзбекнефтгаз” АЖ таркибидан чиқарилиб, “Ўзбекнефтгаз” АЖнинг “Ўзтрансгаз” АЖ устав капиталидаги улуши Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига ўтказилди. Шунингдек, шу йили “Ўзтрансгаз” АЖ ҳудудий газ таъминоти филиаллари негизида “Ҳудудгазтаъминот” АЖ ташкил этилди.

**2020 ЙИЛ** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-

тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6096-сон қарорига асосан “Худудгазтаъминот” АЖ ва магистрал газ узатиш тизимига уланган истеъмолчиларга тўғридан-тўғри табиий газ шартномалари бўйича газни реализация қилиш функциялари “Ўзтрансгаз” АЖ зиммасига юклатилди.

**2022 йил** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15 июндаги “Табиий газ бозорини ислоҳ қилишнинг қўшима чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-280-сон қарорига асосан, табиий газни марказлашган тартибда харид қилиш ва сотиш функциясини бажарувчи “UzGasTrade” акциядорлик жамияти ташкил этилиб, “Ўзтрансгаз” АЖ табиий газни ташиш, сақлаш ва транзит қилишга ихтисослашган ягона магистрал газ узатиш тизими оператори этиб белгиланди.

## 1.2 Реквизитлар

Манзил: 100047 Тошкент шаҳри, Шахрисабз кўчаси, 85-А уй.

Телефон: (71) 202-10-08

“Ўзтрансгаз” АЖга хизмат кўрсатувчи банк “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг Тошкент шаҳар Яккасарой тумани Рақат филиали ҳисобланади.

Банк манзили: Тошкент шаҳри, 100100, Шоҳжаҳон кўчаси, 2-уй.

Х/р: 20210000900117836001,

МФО: 00435

ИНН: 200626188

ОКЕД: 49500

## 1.3 Жамиятнинг мақсади ва вазифалари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15 июндаги “Табиий газ бозорини ислоҳ қилишнинг қўшима чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-280-сон қарорига асосан, табиий газни марказлашган тартибда харид қилиш ва сотиш функциясини бажарувчи “UzGasTrade” акциядорлик жамияти ташкил этилиб, “Ўзтрансгаз” АЖ табиий газни ташиш, сақлаш ва транзит қилишга ихтисослашган ягона магистрал газ узатиш тизими оператори этиб белгиланди.

2022 йил 1 августдан бошлаб “Ўзтрансгаз” АЖнинг табиий газни харид қилиш ва сотиш шартномалари ҳамда битимлари, шу жумладан маҳсулот тақдимотига оид битимлар бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари “UzGasTrade” АЖга ўтди ва “Ўзтрансгаз” АЖ табиий газни ташиш, сақлаш ва транзит қилишга ихтисослашган ягона магистрал газ узатиш тизими оператори сифатида фаолиятини амалга оширишни бошлади.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳузуридаги идоралараро тариф комиссиясининг 2022 йил 29 июлдаги 10-сон баёнига асосан табиий газнинг тармоқдаги ички нархлари, шунингдек “Ўзтрансгаз” АЖнинг транспортировка хизматининг нархи минг куб метр учун – 238 000 сўм этиб белгиланган.

“Ўзтрансгаз” АЖ ва “UzGasTrade” АЖ томонидан уларни ажратиш ва фаолиятларини алоҳида ташкил этиш, уларнинг операцион, икдисодий ва молиявий моделларини ишлаб чиқиш, табиий газни етказиб берувчилар ва харид қилувчилар билан шартномалар базасини ажратиш ва бошқа

трансформация жараёнларини йўлга қўйиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича халқаро консалтинг компаниясини жалб қилиш ишлари олиб борилмоқда.

“Ўзтрансгаз” АЖ фаолият самарадорлигини янада ошириш мақсадида ўз олдида қуйидаги устувор вазифаларни белгилаган:

“Ўзтрансгаз” АЖ зиммасига юклатилган ва ўз олдида белгилаган вазифаларни бажариш учун барча ташкилий-ишлаб чиқариш ресурсларига эга.

## Ўзтрансгаз” АЖнинг стратегик мақсади

ўсиб бораётган ички бозорни табиий газ билан барқарор таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг экспорт ва транзит салоҳиятини оширишдан иборат.



Фаолият самарадорлигини янада ошириш мақсадида ўз олдида қуйидаги устувор вазифалар



1

### ГАЗ УЗАТИШ ТИЗИМИ

Амалдаги газ узатиш тизимини модернизация ва реконструкция қилиш, транзит салоҳиятини ошириш.



2

### ИНВЕСТИЦИОН ИҚЛИМ

Инвестициялар учун жозибador ва шаффоф шарт-шароитларни яратиш, шунингдек, молиялаштиришни жалб қилиш учун турли молиявий воситалардан (евробондлар ва бошқалар) фойдаланиш.



3

### НАРХЛАР ТИЗИМИ

Компаниянинг адолатли рентабеллигини таъминлайдиган рақобатбардош нархлар тизимини яратиш.



4

### GRI ҲИСОБОТИ

Global Reporting Initiative (GRI) га мувофиқ иқтисодий, ижтимоий ва экологик масалалар бўйича ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида ҳисоботларни нашр этиш.



5


### IFRS ҲИСОБОТИ

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботнинг халқаро стандартлари (IFRS) тамойиллари асосида бутунлай янги компанияга босқичма-босқич ва тўлиқ ўтиш.

## 1.4 Ташкилий тузилма

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 апрелдаги “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг тузилмасини мақбуллаштириш ва штат бирликлари сонини қисқартириш тўғрисида”ги ПҚ-5053-сон қарорига мувофиқ жамиятнинг янги ташкилий тузилмаси лойиҳаси ишлаб чиқилди ва акциядорларнинг 2021 йил 3 декабрдаги умумий йиғилишида маъқулланди.





“Ўзтрансгаз” АЖнинг юқори бошқарув органи акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳисобланади. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан сайланадиган Кузатув кенгаши “Ўзтрансгаз” АЖ фаолиятига умумий раҳбарлик қилади, стратегия ва ривожланиш истикболларини белгилайди, “Ўзтрансгаз” АЖ олдида турган тактика ва ўрта муддатли вазифаларни ишлаб чиқади.

“Ўзтрансгаз” АЖнинг коллегиял ижро этувчи органи (бошқарув) Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинган қарорларни қўллаб-қувватлаш, назорат қилиш ва бажарилишини таъминловчи ишчи орган ҳисобланади.

“Ўзтрансгаз” АЖнинг фаолиятига жорий раҳбарликни Бошқарув амалга оширади, унга қуйидагилар қиради:

Бошқарув раиси в.в.б. – Исаков Аскар Шарифжонович;

Бошқарув раисининг ишлаб чиқариш бўйича биринчи ўринбосари – бош муҳандис – вакант;

Бошқарув раисининг трансформация масалалари бўйича биринчи ўринбосари – вакант;

Бошқарув раисининг молия ва иқтисодиёт бўйича ўринбосари в.в.б. – Хайдаров Сухроб Шухратович;

Бошқарув раисининг қурилиш ва транспорт бўйича ўринбосари в.в.б. – Хамидов Хайриддин Фахриддинович;

Тижорат бўйича директор – вакант.

Шунингдек, “Ўзтрансгаз” АЖ таркибига қуйидагилар қиради:

– табиий газни етказиб бериш бўйича тўққизта корхона;

– иккита табиий газни сақлаш омбори;

– учта хизмат кўрсатиш корхоналари.

“Ўзтрансгаз” АЖнинг бевосита тасарруфидаги таркибий бўлинмалари – Газли, Когон, Муборак, Зирабулоқ, Самарқанд, Ғаллаорол, Фарғона, Тошкент магистрал газ қувурлари бошқармалари ва “Урганчтрансгаз” УК – табиий газни етказиб бериш;

Хўжаобод ва Шимолий Сўх газни ер остида сақлаш иншоотлари – табиий газни сақлаш;

“Трансгазинжиниринг” МЧЖ – капитал қурилиш бўйича буюртмачи вазифасини;

“Ёрдамчи хўжалик” МЧЖ – кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш;

– “Нақлгазмаҳсусқурилиш” АЖ – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқари жойларда қурилиш нормаларига мувофиқ қурилиш монтаж, созлаш, техникавий жихатдан қайта жихозлаш, газ узатгичларни реконструкциялаш ва таъмирлаш ишларини бажариш ва хизмат кўрсатиш.

– “Лойиҳа офиси” – корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини жорий этиш ва “Ўзтрансгаз” АЖ ни ўзгартириш бўйича ишларни ташкил этиш, илғор халқаро тажриба ва газни ташиш бўйича етакчи халқаро компаниялар модели асосида “Ўзтрансгаз” АЖ трансформациясини амалга ошириш ҳамда “Ўзтрансгаз” АЖда халқаро стандартларни жорий этиш.

“Ўзтрансгаз” АЖ устав капитали 625 777 072 минг сўм бўлиб, номинал қиймати 1 000 сўм бўлган 625 777 072 дона оддий ва имтиёзли акциялар ўртасида тақсимланган.

Жамият акцияларининг тақсимланиши қуйидагича:

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг улуши 99,49 фоиз ёки номинал қиймати 1000 сўм бўлган 622 592 462 дона оддий ва имтиёзли акциялар;

- Жисмоний ва юридик шахслар ўртасида жойлаштирилган улуш 0,51 фоизни ёки 3 184 610 та оддий ва имтиёзли акцияларни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумат қарорларига мувофиқ 2019 йилдан бошлаб Жамиятнинг бир нечта мулклар давлат корхоналари ихтиёрига ўтказилди. Акциядорларининг умумий йиғилишлари қарорларига мувофиқ “Ўзтрансгаз” АЖ устав капитали камайтирилди. Жамият балансига мувофиқ бугунги кунда “Ўзтрансгаз” АЖ устав капиталининг миқдори 484 532 533 000 сўмни ташкил этмоқда.

## **2. Газ узатиш тизимининг ҳозирги ҳолати ва ривожланиши**

Жамиятнинг асосий фаолияти магистрал газ қувурлари, компрессор станциялари, газ тақсимлаш қувурлари, ер ости газ омборларини эксплуатация қилиш, шунингдек магистрал газ қувурлари объектларини қуриш, реконструкция қилиш, кенгайтириш ва техник қайта жиҳозлаш билан боғлиқ.

“Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти 13,38 минг километрдан ортиқ газ қувурлари ва газ тақсимлаш қувурларини тизимли эксплуатация қилади. Бу тизим республиканинг барча ҳудудларини қамраб олган ва қўшни давлатлар –

Туркменистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистоннинг газ узатиш тизимларидан фойдаланиш имкониятига эга.

“Ўзтрансгаз” АЖ 422 газ тақсимлаш станциясини, умумий қуввати 1616 МВТ бўлган 232 дона ўрнатилган агрегат қувватига эга 43 цехга эга 22 компрессор станциясини эксплуатация қилади.

Мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини сақлаб қолиш ва уларни 2023 йилда кўпайтириш мақсадида қуйидагилар кўзда тутилган:

– линияларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш-техник пунктларининг моддий-техник таъминотини яхшилаш, уларни жиҳозлаш табели бўйича махсус автотранспорт, асбоб-ускуналар ва механизмлар билан жиҳозлаш;

– дефектоскопия ва бошқа текшириш усулларида сўнг аниқланган газ қувурининг нуқсонли участкаларини капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш;



### “Ўзтрансгаз” АЖ мавжуд газ узатиш тизими

**13,4** минг километрдан ортиқ республиканинг барча ҳудудларини қамраб олган газ қувурлари ва газ тақсимлаш қувурларини тизимли эксплуатацияси

**422** газ тақсимлаш станцияси

**22** газ компрессор станцияларининг ичига кирувчи 232 дона газ ҳайдаш агрегатларининг умумий қуввати 1616 МВТ

**2** газни ер остида сақлаш иншоотлари

– газ таъминоти тизимининг муҳим объектларида асосий ва ёрдамчи ускуналарни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш.

Бундан ташқари, табиий газни транспорт қилишда, тизим корхоналарида қувватларни модернизация ва реконструкция қилиш, Илмий-тадқиқот конструкторлик ишланмалар бўйича Жамиятнинг 2023 йилга мўлжалланган чора тарбирлар режаси ишлаб чиқилган ва шу асосда ишлар олиб борилади.

### **3. Табиий газ бозори тузилмаси ва маркетинги концепцияси**

“Ўзтрансгаз” АЖ республикада табиий газни етказиб беришда табиий монополист ҳисобланади.

Жамиятнинг табиий газ ресурслари қуйидаги манбалар ҳисобидан шаклланади:

- республиканинг газ қазиб чиқарувчи ва газни қайта ишлаш корхоналаридан табиий газни келиши;
- қўшма корхоналар ва МТБ шартлари бўйича фаолият юритувчи хорижий корхоналардан табиий газ келиши;



- ер ости газ омборларидан табиий газни олиш.

Магистрал газ қувурларига табиий газ асосан Қашқадарё вилояти, Бухоро-Хива ва Устюрт ҳудудларидан келади.

Табиий газ қуйидаги асосий йўналишларда тақсимланади:

- магистрал газ қувурларига тўғридан-тўғри уланган саноат корхоналарига етказиб бериш;
- табиий газни ер ости омборларига ҳайдаш;
- табиий газни ўз эҳтиёжлари ва технологик йўқотишлар учун истеъмол қилиш.

2023 йилда республикада табиий газ етказиб бериш ҳажми 44,8 млрд.куб метрни ташкил этиши кутилмоқда. Бу ўтган йил учун белгиланган кўрсаткичидан 0,2 млрд.куб метр кам.

Қуйида республика истеъмолчиларига табиий газ етказиб бериш динамикасини кўриш мумкин.

*млн.куб.м*

№	Кўрсаткичлар	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й. (режа)
1.	Табиий газни истеъмолчиларга етказиш ҳажми	37 751,9	37 766,6	39 642,2	42 425,7	44 671,7	44 865,1
2.	Табиий газ транзити	39,28	4 578,1	4 652,0	8 965,0	3 306,0	1 000,0
3.	ГЕОСИдан газни олиш	3 771,5	3 091,2	2 668,0	2 531,2	3 142,7	3 222,4
4.	ГЕОСИга ҳайдаш	2 143,4	1 861,0	3 335,9	3 146,8	3 277,4	3 548,6

Маҳсулот тақсимоти тўғрисидаги битим шартларига мувофиқ фаолият юритувчи корхоналарга ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ табиий газни қўшни давлатлар газ узатиш тизимлари чегарасида сотиш ҳуқуқига эга бўлган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарга тегишли табиий газнинг транзити.

Ер ости омборларидан табиий газнинг олиш қишда унинг юқори истеъмолини тартибга солиш имконини беради.


Баҳор ва кузда табиий газ истеъмолининг мавсумий тебранишларини тартибга солиш учун ер ости омборларига табиий газ ҳайдалади, бу эса қиш мавсумида унинг истеъмолини ошириш имконини беради.

Қуйида республика истеъмолчиларига табиий газ етказиб бериш динамикаси кўриш мумкин.

Табиий газни ер ости омборларига ҳайдаш омбордаги фаол табиий газнинг максимал ҳажмига, ер ости газ сақлаш тизими объектларининг ҳолатига ва табиий газ истеъмолининг ҳақиқий даражасига, шу жумладан табиий газнинг келиб тушиш ҳажмига боғлиқ.

Табиий газни етказиб бериш жараёнида газ ҳайдаш агрегатлари ва компрессор станцияларининг бошқа ускуналари, шунингдек, магистрал газ қувиридаги технологик йўқотишлар учун ишлатилади.

## Республика истеъмолчиларига табиий газ етказиб бериш (млрд. куб.м)




Табиий газнинг ўз эҳтиёжлари ва технологик йўқотишлар учун сарфланиши бевосита газни етказиб бериш ишларига ва газ қувурлари тизимига табиий газ келишига боғлиқ.

2023 йилда МДХ давлатларининг савдо-иқтисодий алоқаларини ривожлантириш муносабати билан Қозоғистон газининг транзити ҳисобига транзит хизматлари ҳажми 1 000 млн. куб. метрни ташкил этиши прогноз қилинган.

2023 йилда табиий газ транзитининг дастлабки таркиби 100 фоиз Қозоғистон газидан иборат (“Казтрансгаз” АЖ, Қозоғистон).

## Табиий газ транзити динамикаси (млн куб м.)



“Ўзтрансгаз” АЖ табиий газ транзити бўйича ишончли хорижий буюртмачилар билан узоқ муддатли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, улар билан табиий газ етказиб бериш бўйича шартномалар тузиш режалаштирилган.

#### **4. Меҳнат муҳофазаси, саноат хавфсизлиги ва экология**

Ишлаб чиқариш объектларида хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, саноат хавфсизлиги ва экология ҳолатини таъминлаш “Ўзтрансгаз” АЖнинг устувор йўналишларидан биридир.

Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида”ги, , “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунлари ва “Ўзтрансгаз” АЖнинг меҳнат муҳофазаси ва саноат хавфсизлиги соҳасидаги сиёсати”, “Меҳнат муҳофазаси ва саноат хавфсизлигининг олтин қоидалари” ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари талабларига мувофиқ амалга оширилади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ва саноат хавфсизлигини бошқариш самарадорлигини ошириш мақсадида, “Ўзтрансгаз” АЖ ижроия аппарати ва таркибий тузилмаларида 2022-2023 йилларда меҳнат шароитларини яхшилаш, ишлаб чиқаришда жароҳатланишларнинг олдини олиш, меҳнат муҳофазаси ва саноат хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги, электр хавфсизлиги, газ хавфсизлиги, экология ва ишлаб чиқаришни техник тартибга солиш сиёсатини амалга ошириш бўйича мақсад ва вазифалар” ишлаб чиқилган. “Мақсад ва вазифалар” куйидаги масалаларни ҳал этиш режалаштирилган:

- хавфли ишлаб чиқариш объектларда қўлланиладиган техник воситаларнинг ўз вақтида синовдан ўтказилишини назорат қилиш, назорат ўлчов воситаларини таъмирлаш ва текшириш.

- хавфли ишлаб чиқариш объектларида юзага келиши мумкин бўлган аварияларни олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш бўйича чоратадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш.

- корхоналарда ёнғинларнинг олди олиш бўйича ташкилий-техник тадбирларни ўтказишга қаратилган профилактик ишларини олиб бориш.

- хавфли ишлаб чиқариш объектларида авария содир бўлиши мумкин бўлган иш жойларни мониторинг қилиш, ишчи ходимларни хавфлардан огоҳлантириш, фавкулотда ҳолатларда боғланиш учун алоқа тизимини яратиш ва тизимларни доимо ишчи ҳолатда сақлаш.

- хавфли шароитларда фаолият олиб борувчи ишчи ходимларнинг соғлиғи сақлаш ва касб касалликларини ўз вақтида аниқлаш.

- Ходимларнинг соғлигини сақлаш мақсадида, меҳнат муҳофазаси ва саноат хавфсизлиги бўйича тайёрлаш ва малакасини ошириш.

Жамиятнинг таркибий бўлинмалари, ифлослантирувчи моддаларнинг ерга оқизилиши мониторингини, атмосфера хавосига ифлослантирувчи моддаларнинг чиқарилиши мониторингини олиб боради, бу табиатни муҳофаза қилиш ва атроф-муҳитни яхшилаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва қайта ишлаб чиқариш, атроф-муҳит сифати стандартларига риоя қилиш,

экологик қонунчилик талабларига риоя қилиш бўйича қатор чора-тадбирларни амалга оширишни таъминлайди.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича “Ўзтрансгаз” АЖ ва Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган, қуйидаги масалаларни ҳал этишга йўналтирилган 2020-2025 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури”га мувофиқ амалга оширилмоқда:

- атмосфера ҳавосини ҳимоя қилиш;
- ер ва сув ресурсларини муҳофаза қилиш;
- ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ер ости бойликларини муҳофаза қилиш;
- саноат ва маиший чиқиндиларни назорат қилиш;

“Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти томонидан газ сизиб чиқишини камайтириш мақсадида компрессор станциялари ва магистрал газ қувурларида замонавий технология ва материалларни жорий этиш ва кенг қўллаш бўйича мақсадли ишлар амалга оширилмоқда, бу эса, энг аввало, республикамизнинг экологик иқлимни асраш, ёқилғидан оқилона фойдаланиш ҳамда энергия ресурслари ва энергия самарадорлигини ошириш имконини бермоқда.

## 5. Ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш

Ёқилғи-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқаришнинг энергия самарадорлигини ошириш ва энергияни тежаш, газни етказиб бериш объектларининг ҳолатини яхшилаш, иш режимларини мақбуллаштириш ва янги энергия манбаларини жорий этиш орқали ўз эҳтиёжлари учун технологик йўқотишлар ва газ сарфини камайтириш.

2023 йилда газ магистрал транспорти объектларининг энергия самарадорлигини ошириш мақсадида “Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантириш тўғрисида ҳаракат режаси” тасдиқланган.

№	Чора-тадбирлар	Бажариш муддати
<b>Энергетика бошқармаси</b>		
1.	“Саримай” сув олиш иншоотини энергия тежовчи ускуналарни жорий этиш билан модернизация қилиш (“Урганчтрансгаз” УК)	2023
2.	Қуёш фотоэлектр станцияларини жорий қилиш	2023
3.	Қуёш фотоэлектр панеллари билан жихозланган ёритиш чироқларини жорий қилиш	2023
4.	Қуёш сув истиш қурилмаларини ўрнатиш	2023
5.	Синхрон электр двигателларни қўзғатувчиларини (возбудител) рақамли микропроцессорли қўзғатувчиларга алмаштириш	2023
6.	Ёритиш тизимларига ҳаракатни сезувчи датчикларни ўрнатиш	2023

№	Чора-тадбирлар	Бажариш муддати
7.	Катта қувватли сув насосларини кичкина қувватли насосларга алмаштириш	2023
<b>Компрессор станцияларини эксплуатация қилиш департаменти</b>		
8.	Газ ҳайдаш агрегатларга янги трубкали газ иситиш (регенератор) қурилмасини ўрнатиш орқали табиий газни иқтисод қилиш.	2023
9.	Газ ҳайдаш агрегатларда янги турдаги электр стартерлардан фойдаланган ҳолда табиий газ сарфини камайтириш	2023
<b>Магистрал газ қувурларини эксплуатация қилиш департаменти</b>		
10.	Унитар ва Магистрал газ қувурлари бошқармаларига қарашли магистрал газ қувурлари участкаларида таъмирлаш ва оловли ишларни амалга ошириш учун магистрал газ қувур участкаларида мавжуд қолдиқ табиий газни ГТСлар орқали олиш	Ҳар йили таъмирлаш ишлари пайтида
11.	Унитар ва Магистрал газ қувурлари бошқармаларига қарашли магистрал газ қувурлари участкаларида таъмирлаш ва оловли ишларни амалга ошириш учун магистрал газ қувур участкаларида мавжуд қолдиқ табиий газни мобил компрессор станциясидан (МКС) фойдаланиб олиш	
12.	Трансформаторли катодли ҳимоя воситаларини, замонавий ИПКЗ-М-3 типдаги импульсли катодли ҳимоя воситаларига алмаштириш	
<b>Метрология, автоматлаштириш ва стандартлаштириш сифатини назорат қилиш бўлими</b>		
13.	ГТСда газни ҳисобга олиш асбобларини инвентаризация қилиш	Доимий
	ГТСда газни ҳисобга олиш асбобларини давлат текшируви	Ҳар йили
	Газ ҳисоблагичларини алмаштириш	Зарур бўлганда
<b>Автотранспорт департаменти</b>		
14.	Автотранспорт воситаларини сиқилган табиий газга қайта жиҳозлаш	2023

Шунингдек, “Ўзтрансгаз” АЖ корхоналарида ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш бўйича ташкилий-техник тадбирлар мунтазам равишда амалга оширилмоқда:

- газ қувурларини эксплуатация қилишнинг вақтинчалик схемасини амалга ошириш ва таъмирланадиган газ қувурлари участкасидан табиий газ ҳажмларини максимал даражада иқтисод қилиш;
- магистрал газ қувурларининг нуқсонли участкаларини бартараф этиш;
- магистрал газ қувурининг нуқсонли участкалари ва табиий газ сизиб чиқишини ўз вақтида аниқлаш учун замонавий усул ва ускуналардан фойдаланиш;
- компрессор станцияларининг асосий ва ёрдамчи ускуналари иш режимини оптималлаштириш;



- газ ҳайдаш агрегатларининг ёрдамчи механизмлари орқали электр энергияси сарфини камайтириш учун частотали бошқариладиган электр ҳайдовчини жорий этиш;

- газ турбинали қурилмаларининг чиқинди газлари иссиқлигидан ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиш ва ўз эҳтиёжлари учун иссиқлик энергиясини олиш;

- эскирган ва тежамкор бўлмаган қозон агрегатларини замонавийларига алмаштириш.

Компрессор станцияларида амалга оширилаётган энергия тежаш чора-тадбирлари натижасида электр ва иссиқлик энергиясини сезиларли даражада тежаш, ўз эҳтиёжлари учун ва технологик йўқотишларда табиий газ сарфини камайтириш кўзда тутилмоқда

## **6. Маҳсулотларнинг халқаро стандартларга мувофиқлиги**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 19 июндаги “Республика корхоналарида халқаро стандартларга жавоб берадиган сифат менежменти тизимларини жорий этишни кенгайтириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 173-сон қарорига мувофиқ, жамиятда стандарт талабларга мувофиқ интеграциялашган менежмент тизими (кейинги ўринларда ИМТ) босқичма-босқич жорий этилиб, фаол қўлланилмоқда:

ИСО 9001:2015, ИСО 14001:2015, ИСО 45001:2018, ИСО 50001:2018.

“Ўзтрансгаз” АЖда ИМТ фаолияти ижроия аппарати, магистрал газ қувурлари бошқармалари ва газни ер остида сақлаш иншоотларини қамраб олади.

ИСО 9001 “Сифат менежменти тизими” стандартлари талабларига мувофиқ корхоналарда интеграциялашган менежмент тизимини жорий этиш; ИСО 14001 “Экологик менежмент тизими”; ИСО 45001 “Соғлиқни сақлаш ва меҳнат хавфсизлиги менежмент тизими”; ИСО 50001 “Энергетик менежмент тизими” қуйидаги афзалликларни беради:

- бахтсиз ҳодисаларни ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш харажатларини камайтириш;

- рискларни ва улар билан боғлиқ йўқотишларни камайтириш;

- қонунчилик талабларига риоя этилишини таъминлаш;

- жавобгарлик ва ваколатларнинг аниқ тақсимланиши;

- суғурта харажатларини камайтириш;

- энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш;

- маҳсулот ва хизматлар сифатини ошириш;

- корхона фаолиятининг атроф-муҳит ва инсон саломатлигига салбий таъсирини камайтириш;

- компенсация тўловлари ва пенялар бўйича харажатларни қисқартириш.

Бундан ташқари, “Ўзтрансгаз” АЖнинг интеграллашган бошқарув тизими ҳужжатларини, ИСО 9001:2015, ИСО 14001:2015, ИСО 45001:2018, ИСО 50001 стандартлари талабларига мувофиқ янгилаш бўйича 2023 йил учун консалтинг компания билан шартнома тузиш.

“Ўзтрансгаз” АЖнинг табиий газни ташиш, сақлаш ва транзит қилиш соҳасида бошқарув тизимини ИСО 9001:2015, ИСО 14001:2015, ИСО 45001:2018, ИСО 50001:2018. стандартлари бўйича талабларга мувофиқлигини қайта сертификатлаштириш юзасидан аудитдан ўтказиш бўйича 2023 йил учун сертификатлаштириш органи билан шартнома тузиш.

2023 йилда қуйидаги тадбирлар режалаштирмоқда:



## 7. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини (МҲХС) жорий этилиши

Маълумки, хорижий инвестициялар ёқилғи-энергетика саноати ва умуман Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий ва энг муҳим омилларидан биридир. Хорижий инвесторларни жалб қилиш учун ташкилотнинг молиявий ҳолатини халқаро стандартларга мослаштириш лозим. Жамиятда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этиш хорижий инвесторларнинг кириб келиши, уларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятлари кенгайтишига олиб келади.

Ҳозирги кунда реал иқтисодий сектор субъектлари, молиявий соҳа ташкилотлари фаолияти самарадорлиги, умуман, иқтисодиёт ривожидида молиявий ҳисоботларнинг ўзига хос ўрни бор.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 июлдаги “Аҳоли ва иқтисодиётни энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, нефт-газ тармоғини молиявий соғломлаштириш ва унинг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4388-сон Фармонининг 12-бандида “Ўзтрансгаз” АЖ зиммасига 2019 йил якунидан бошлаб, молиявий ҳисоботлар мажбурий тартибда молиявий ҳисобот юритишнинг халқаро стандартларига мувофиқ тузилишини ва халқаро аудиторлик компанияларини

жалб қилган ҳолда мустақил ташқи аудит ўтказилишини таъминлаш, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (IFRS)ни қўллаш ҳамда фаолиятнинг асосий йўналишлари бўйича молиявий ҳисобот тузиш ва эълон қилиш вазифалари юклатилган.

Мазкур Фармон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори талабидан келиб чиқиб, 2022 йил давомида 3 йил (2018, 2019, 2020) учун молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида тузилган молиявий ҳисобот аудит текширувидан ўтказилди ва эълон қилинди.

Шунингдек, 2023 йилда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш режалаштирилган:

- 2021-2022 йиллар учун молиявий ҳисоботни тузиш ва аудитдан ўтказиш;

- 2023-2024 йиллар учун халқаро стандартлари асосида аудит ўтказиш;

- Акциядорлик жамияти бошқарув аппарати ва тизим корхоналаридаги жорий активларини 2023-2024 йилларда иқтисодий кадрсизланиши бўйича синовдан ўтказиш;

- МҲХСни самарали жорий этишда “Ўзтрансгаз” АЖ бизнес жараёнларини яратиш ва амалга ошириш бўйича консалтинг хизматларидан фойдаланиш;

- Узоқ муддатли мажбуриятларни, яъни ходимлар ва нафақахўр ишчилар олдидаги МҲХС 19 талабларига мувофиқ 2023-2024 йиллар учун ҳисоблашни амалга ошириш;

- “Ўзтрансгаз” АЖ бошқарув аппарати ҳамда тизим корхоналари ходимларини зарур йўналишлар бўйича малакасини ошириб бориш.

Режалаштирилган ишларни тўлиқ амалга оширилиши жамият олдидаги долзарб вазифалардир. Бинобарин, биз халқаро бизнес ҳамжамияти, жаҳон бозорига интилаётган эканмиз, фаолиятимиз ҳам халқаро стандартларга мос бўлиши давр талабидир.

## **8. Молиявий-хўжалик фаолияти таҳлили**

“Ўзтрансгаз” АЖ молиявий хўжалик фаолиятининг сўнгги йилларини салбий молиявий натижалар билан якунлаб келаётган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15 июндаги “Табиий газ бозорини ислоҳ қилишнинг қўшима чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-280-сон қарорига асосан Жамият табиий газни ташиш, сақлаш ва транзит қилишга ихтисослашган ягона магистрал газ узатиш тизими оператори сифатида фаолият юрита бошлаганидан сўнг 2023 йилни соф фойда билан якунлаши кутилмоқда.

Жамият молиявий-хўжалик фаолияти давомида асосан табиий газни магистрал газ қувурлари орқали ташиш (транспортировка) ва табиий газ транзитидан даромад олади.

Қуйида бу борадаги қиёсий таҳлил-жадвални кузатиш мумкин.

## 2020-2022 йиллардаги молиявий кўрсаткичлари, млн.сўм

Кўрсаткичлар	2021 йил амалда	2022 й. амалда	2023 й. режа
<b>Соф тушум</b>	<b>18 381 444</b>	<b>16 588 381</b>	<b>14 515 307</b>
<b>Ишлаб чиқариш таннархи</b>	<b>20 828 258</b>	<b>17 223 969</b>	<b>8 485 010</b>
<b>Ялпи фойда</b>	<b>-2 446 814</b>	<b>-635 587</b>	<b>6 030 298</b>
<b>Давр харажатлари</b>	<b>789 893</b>	<b>717 382</b>	<b>535 139</b>
Маъмурий харажатлар	88 624	102 698	112 693
Бошқа операцион харажатлар	701 269	614 684	422 447
<b>Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари</b>	<b>2 032 277</b>	<b>919 287</b>	<b>382 716</b>
<b>Асосий фаолиятдан олинган фойда (зарар)</b>	<b>-1 204 430</b>	<b>-433 681</b>	<b>5 877 875</b>
<b>Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар</b>	<b>709 220</b>	<b>3 187 356</b>	
дивидендлар кўринишидаги даромадлар	3	1	
фоизлар кўринишидаги даромадлар	624		
узоқ муддатли ижара (лизинг)дан олинган даромад	529	420	
валюта курслари ўзгариши фарқларидан олинган даромад	708 064	3 186 870	
Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари		64	
<b>Молиявий фаолият харажатлари</b>	<b>2 020 540</b>	<b>4 348 120</b>	<b>3 698 684</b>
фоизлар кўринишидаги харажатлар	290 416	572 316	612 222
валюта операциялари бўйича салбий курс фарқларидан кўрилган зарарлар	1 730 124	4 349 738	3 086 462
<b>Умумий иқтисодий фаолиятдан олинган фойда (зарар)</b>	<b>-2 515 750</b>	<b>-2 168 379</b>	<b>2 179 191</b>
<b>Солиқ тўлашдан олдинги фойда</b>	<b>-2 515 750</b>	<b>-2 168 379</b>	<b>2 179 191</b>
Даромад (фойда) солиғи			
<b>Соф фойда (зарар)</b>	<b>-2 515 750</b>	<b>-2 168 379</b>	<b>2 179 191</b>

Ўзбекистон Республикаси ҳузуридаги идоралараро тариф комиссияси томонидан табиий газнинг тармоқдаги ички нархлари, шунингдек “Ўзтрансгаз” АЖнинг транспортировка хизматининг нархлари белгиланади.

Бизнес-режанинг харажатлар қисми қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ишлаб чиқариш харажатлари: хом ашё (табиий газ) сотиб олиш;
- ишлаб чиқаришга оид материал харажатлари;
- ишлаб чиқаришга оид бошқа корхоналар томонидан кўрсатилган хизмат ва ишлар;
- бензин ва дизел ёқилғиси, шунингдек турбиналар, трансформатор ва мотор мойлари эҳтиёжлари учун харажатлар;
- электр энергияси истеъмоли режасига кўра;

- табiiй хом-ашё (сув) эхтиёжга кўра;
- меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари (компенсация ва моддий рағбатлантириш тўловлари);
- ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича бюджетга тўловлар прогнози ва бошқалар.

2023 йилда режалаштирилган газ тақсимлаш тармоқларини капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш шунингдек, “Ўзтрансгаз” АЖ объектларини капитал таъмирлаш режалари инобатга олинган.

2023 йилда ишлаб чиқариш таннархи ўтган даврга нисбатан 8 738,9 млрд. сўмга ёки 50,73% га камаяди. Бунинг асосий сабаби Жамият эндиликда табiiй газ сотиб олиш ва сотиш фаолияти билан шуғулланмаслиги ва асосий харажатлар табiiй газни транспортировка қилиш билан боғлиқ харажатларни ташкил этади.

2023 йилда дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, давр харажатлари 535,1 млрд. сўмни ташкил этади, бу ўтган йилга нисбатан 182,2 млрд.сум га кам.

Молиявий фаолият бўйича харажатлар қуйидагилардан иборат:

- банклар ва молия-кредит ташкилотларидан олинган кредит фоизлари;
- “Uz-Kor Gaz Chemical” ҚК МЧЖ ва “Lukoil Overseas Supply” компанияси олдидаги қарздорлик тўловлари фоизлари;
- Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги олдидаги қарздорлик бўйича фоизлар.

Молиявий харажатларнинг катта қисми жамиятда мавжуд валюта кўринишидаги кредиторлик қарздорликлардан вужудга келадиган валюта курслари фарқидан ҳисобланадиган 3 698,7 млрд. сўмни ташкил этиши мумкин бўлган харажатлардан иборат.

Жамият сўнгги йилларда молиявий-хўжалик фаолиятини зарар билан яқунлаб келганлиги авваламбор, республика ички истеъмолчиларига, жумладан аҳолига табiiй газни етказиб беришда жамият томонидан маҳсулотни тақсимлаш шартномаси асосида табiiй газ ишлаб чиқарадиган корхоналардан юқори нархларда сотиб олиб, газни тан нархидан паст нархларда сотганлиги билан изоҳланади.

Бизнес-режа бўйича Жамият 2023 йилги молиявий хўжалик фаолиятини 2 179,1 млрд. сўм соф фойда билан яқунлаши прогноз қилинмоқда.



## 9. Капитал қўйилмалар

“Ўзтрансгаз” АЖнинг режалаштирилган капитал қўйилмалари ҳажми тўғрисида 2023 йил учун магистрал газ қувурлари ва улар билан боғлиқ ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш объектларини капитал қуриш ва таъмирлашни назарда тутлади.

Ўз ва жалб қилинган маблағлар ҳисобидан капитал қўйилмаларнинг режалаштирилган ҳажмига “Ўзтрансгаз” АЖ ва унинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудларидаги бўлинмалари томонидан мамлакат раҳбарияти ва Вазирлар Маҳкамасининг топшириқларига мувофиқ ҳудудларни ривожлантириш дастурлари доирасида амалга оширилаётган ижтимоий аҳамиятга эга объектлар ҳам киради.

### 2023 йилга мўлжалланган қурилишлар манзилли рўйхати (ҚМР) доирасида капитал қўйилмаларнинг режалаштирилган ҳажми

млн. сўм

Номланиши	2023 йил учун режалаштирилган капитал қўйилмалар			
	Жами	шу жумладан:		
		ҚМИ	Қурилмалар	Бошқа харажатлар
<b>“Ўзтрансгаз” АЖ бўйича жами:</b>	<b>2 709 955,9</b>	<b>2 475 091,0</b>	<b>134 491,7</b>	<b>106 373,1</b>
<i>Ўз маблағлари ҳисобидан</i>	<i>1 414 280,8</i>	<i>1 312 095,9</i>	<i>28 333,0</i>	<i>73 851,9</i>
<i>Қарз маблағлари ҳисобидан</i>	<i>0</i>	<i>0</i>	<i>0</i>	<i>0</i>
<i>Хорижий давлатларнинг кредитлари ҳисобидан</i>	<i>922 985,8</i>	<i>796 017,2</i>	<i>102 447,4</i>	<i>24 521,3</i>
<i>бюджет маблағлари ҳисобидан</i>	<i>372 689,2</i>	<i>366 977,9</i>	<i>3 711,3</i>	<i>2 000,0</i>
Шу жумладан:				
1. Инвестицион лойиҳалар	947 342,4	796 405,0	102 447,4	48 490,0
2. Саноат қурилиши	1 656 664,8	1 575 955,0	31 216,3	55 493,5
3. Саноатдан ташқари қурилиш	61 548,1	58 336,6	828,0	2 383,5
4. Ўтган йиллардаги кредиторлик қарзлар	31 852,9	31 846,8		6,1
5. 5% кафолат суммаси	12 547,7	12 547,7		
<b>Аввалги йиллардан ўтиб келаётган объектлар</b>	<b>2 036 510,3</b>	<b>1 822 411,5</b>	<b>134 491,7</b>	<b>85 607,0</b>
<b>Янги қурилаётган объектлар</b>	<b>629 045,0</b>	<b>608 285,0</b>		<b>20 760,0</b>

2023 йилга мўлжалланган капитал қурилиш объектларини ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлар ҳисобидан қуриш манзилли рўйхати бўйича капитал қўйилмаларнинг прогноз қилинадиган ҳажми барча молиялаштириш манбаларини ҳисобга олган ҳолда 2 709,9 млрд.сўмни, шундан қурилиш-монтаж ишлари 2 475,1 млрд.сўмни ташкил этади.

## 10. Инвестиция дастури

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурини тасдиқлаш ҳамда инвестиция лойиҳаларини бошқаришнинг янги ёндашув ва механизмларини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ-72-сон қарорига мувофиқ, “Ўзтрансгаз” АЖ томонидан умумий қиймати 1 043,3 миллион АҚШ доллари бўлган 2 та инвестиция лойиҳани амалга оширмоқда, бунда 2023 йилга мўлжалланган 191,0 млн. АҚШ доллар миқдоридаги инвестицияларнинг ўзлаштирилиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги икки томонлама стратегик ҳамкорлик ва иттифоқчилик муносабатларини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3997-сон қарори, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги ВМҚ-821-сон қарорига мувофиқ, “Ўзтрансгаз” АЖ “Газли конининг газ горизонтлари ва нефт уқаларини кўшимча қидириш ва кўшимча ўзлаштириш билан биргаликда Газли ГЕОСИда газ сақлаш ҳажмини 10,0 млрд.куб метргача ошириш” лойиҳасини амалга оширмоқда.

“Газли конининг газ горизонтлари ва нефт уқаларини кўшимча қидириш ва кўшимча ўзлаштириш билан биргаликда Газли ГЕОСИда газ сақлаш ҳажмини 3,0-10,0 млрд.куб метргача ошириш” лойиҳасининг мақсади Газли конининг газ ва нефт резервуарларидан фойдаланишнинг технологик ишончилигини ва техник-иктисодий самарадорлигини сезиларли даражада оширишни таъминлаш, ҳажми ошириш, ички бозорда истеъмолчиларга нефт маҳсулотларини етказиб бериш учун нефт импортининг камайиши билан бирга қиш мавсумида экспорт учун табиий газни сақлаш ва етказиб бериш ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 14 июлдаги қарорига мувофиқ “2021-2022 йилларда “Ўзтрансгаз” АЖнинг газ етказиб бериш тизимини модернизация қилиш ва самарадорлигини ошириш дастури” лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Лойиҳанинг асосий мақсади газ узатиш тизимининг шимолий қисмида табиий газни кейинчалик Тошкент вилояти ва Фарғона водийсини ишончли газ билан таъминлаш мақсадида республиканинг марказий ва шарқий ҳудудларига етказиб бериш учун кўшимча ҳажмларни олиш учун Ўзбекистон газ узатиш тизими инфратузилмасини модернизация қилиш ва реконструкция қилишдан иборат.

2023 йилга мўлжалланган инвестиция дастури бўйича батафсил маълумотлар иловада келтирилган.

Бундан ташқари, 2023 йилда Лойиҳа смета ҳужжати (ПСД)ни ишлаб чиқилиши учун таклиф қилинаётган қуйидаги лойиҳа мавжуд:

2022 йил 22 февралдаги “Ўзтрансгаз” АЖнинг навбатдаги Тармоқ илмий-техник кенгаши йиғилишининг 01-01/ТИТК сонли баёни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 сентябрдаги топшириғига асосан, Андижон

вилоятидаги Хўжаобод компрессор станциясида газ хайдаш агрегатларини реконструкция қилиш. Амалга ошириш муддати: 2024-2027 йиллар.

2023 йилда амалга ошириш имкониятлари ўрганиб чиқиладиган Истикболли лойиҳалар:

1. Сирдарё вилоятида Янгиер КС-3Б да мавжуд “А” ва “Б” цехлари ўрнига янги газ хайдаш агрегатларини ўрнатган ҳолда янги компрессор цехини қуриш.

2. Самарқанд вилоятида Зирабулоқ МГҚБга қарашли КС-2 ва КС-2А станциялари ўрнига янги газ хайдаш агрегатларини ўрнатган ҳолда янги компрессор цехини қуриш.

3. Газ узатиш тизимини модернизация қилишнинг III босқичи: Қўнғирот-Газли участкасида 80 Мвтли компрессор станциясини ва 132 км узунликдаги магистрал газ қувурларини қуриш.

## **11. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни ривожлантириш, кооперация алоқаларини кенгайтириш**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 майдаги ПҚ-4302-сон “Саноат кооперациясини янада ривожлантириш ва талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 24 августдаги ПҚ-4426-сон “Давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноат тармоқларида кооперация алоқаларини жадаллаштиришнинг янги тизимини жорий этиш бўйича масъулиятини янада ошириш тўғрисида”ги қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 сентябрдаги импортни оптималлаштириш, маҳсулотларни маҳаллийлаштириш ва саноат кооперацияси алоқаларини кенгайтириш бўйича баённомаси топшириқлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 мартдаги “2020-2021 йилларда ички ва ташқи бозорда маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида”ги 136-сон фармонларига мувофиқ “Ўзтрансгаз” АЖ импорт қилинадиган маҳсулот ва хизматларни маҳаллийлаштириш бўйича кенг кўламли ишларни бошлади.

2022 йилда дастур лойиҳаларига кўра, валюта тежамкорлиги 5 257 минг. АҚШ долларини, соф тежамкорлик эса 5 596 млн.сўмни ташкил этган бўлса, дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 2023 йилда валюта тежамкорлик 4 345 минг. АҚШ долларини, соф тежамкорлик эса 15 299 млн.сўмни ташкил этади.

“Ўзтрансгаз” АЖнинг 2022-2023 йилларга мўлжалланган дастур қуйида келтирилган.

### 2022-2023 йилларга мўлжалланган дастур

Чора тадбир номи	2022 йил			2023 йил		
	Миқдори	Валюта тежамкорлиги (минг. АҚШ долл.)	Соф тежамкорлик (млн. сўм)	Миқдори	Валюта тежамкорлиги (минг. АҚШ долл.)	Соф тежамкорлик (млн. сўм)
<b>Маҳаллийлаштириш йўналишида</b>						
УОНИ 13/55 пайвандлаш электродлари ишлаб чиқариш	30,6 тн	53,5	600,0	50 тн	89,3	1 000,0
<b>Маҳаллийлаштириш</b>		<b>53,5</b>	<b>600,0</b>		<b>89,3</b>	<b>1 000,0</b>
<b>Кооперацион алоқаларни кенгайтириш йўналишида</b>						
Очиш-ёпиш мосламалари	50 дона	2 803,9	2 691,8	1261 дона	1 069,0	3 591,0
Қувур ичи диагностикаси (ВТД)	2000 км	2 400,0	2 304,0	2100 км	3 187,0	10 708,0
<b>Кооперация</b>		<b>5 203,9</b>	<b>4 995,8</b>		<b>4 256,0</b>	<b>14 299,0</b>
<b>Жами:</b>		<b>5 257</b>	<b>5 596</b>		<b>4 345</b>	<b>15 299</b>

## 12. Техник сиёсат

“Ўзтрансгаз” АЖнинг табиий газни транспорт қилишда тизим корхоналарида қувватларни модернизация ва реконструкция қилиш бўйича 2023 йилга мўлжалланган техник сиёсат режаси ишлаб чиқилган ва мазкур режа қуйидагиларни ўз ичига олади.

- Табиий газни транспорт қилиш,
- Энергия ресурслари истеъмолини тежаш ва қувватларни модернизация ва реконструкция қилиш орқали самарадорликни ошириш;
- 2022-2026 йилларда энергияни тежаш ва энергия самарадорлигини ошириш орқали энергия сарфининг энергия сиғимлилигини 1,5 мартагача камайтириш.

Техник сиёсатни ишлаб чиқишдан мақсад, магистрал газ қувурларни узлуксиз беталофат ишлатиш, нуқсонли қисмлари аниқлаш, уларнинг хавфлилик даражаси баҳолаш, кейинчалик аниқланган нуқсонларни бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаш.

Магистрал газ қувурларнинг таъмирланган участкаларида рухсат этилган ишчи босим кўрсаткичлари 30 кгс/см<sup>2</sup> дан 45 кгс/см<sup>2</sup> гача етказилади, табиий газни ўтказувчанлиги оширилади ҳамда содир бўлиши мумкин бўлган авария

ва газ сизиб чиқиш ҳолатлари олди олиниши натижасида табиий газни йўқотилиши камаяди. Шунингдек, магистрал газ қувурларнинг хавфсизлиги ва ишончилиги таъминланади.

Жамиятнинг техник-сиёсат режасига кўра, магистрал газ қувурларининг 903 км қисмида ички қувур диагностикасини амалга ошириш, 47 км нуқсонли участкаларини капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш ҳамда 2200 километрини ички сиртини поршень қурилмаси орқали тозалаш;

Магистрал газ қувурлари асосий нуқталарини, яъни очиш-беркитиш тугунлари, компрессор станциялари, газ тақсимлаш ва газ ўлчаш станцияларининг кириш газ қувурларини босим ва ҳарорат датчиклари билан жиҳозлаш;

Газ тақсимлаш станцияларида босим ва ҳарорат датчиклари ёрдамида олинган маълумотлар магистрал газ қувурлари орқали газ оқимини оператив назорат қилиш ва бошқариш учун газни ташиш ва етказиб беришни оператив диспетчерлик ҳисоби (АСОДУ) тизимини жорий этиш;

ДКС-Газли компрессор станциясидаги ускуналарни мукамал таъмирлаш ҳамда 6 дона газтурбинали двигателларни янгисига алмаштириш;

Ташқи электр таъминотида содир бўлиши мумкин узилиш (авария) ҳолатларида компрессор станцияларини бир маромда электр энергияси билан таъминлаш учун Газли магистрал газ қувурлари бошқармасига қарашли ДКС-5 “Б” цехига қўшимча янги электр станция қуриш;

Босқичма-босқич трансформаторли катодли ҳимоя воситаларини 109 та замонавий ИПКЗ-М-3 русумдаги импульсли катодли ҳимоя воситаларига алмаштириш;

Мобиль компрессор станциялар (МКС) фойдаланиб қолдиқ табиий газни ёндош магистрал газ қувурларга жамлаш, газ ҳайдаш агрегатларида янги турдаги электр стартерлар ўрнатиш ҳисобига ҳамда газ ҳайдаш агрегатларига янги трубкали газ иситиш (регенератор) қурилмасини ўрнатиш орқали ҳамда табиий газни иқтисод қилиш режалаштирилган.

Бундан ташқари, компрессор ва ГТС ҳудудларига қуёш панеллари билан жиҳозланган 1400 дона ёриткичларни ўрнатиш, газ ҳайдаш агрегатларнинг ёрдамчи қурилмаларига 4 дона частотани ўзгартирувчи мосламаларни жорий қилиш, мой ва газ орасидаги босимлар фарқини таъминлаш тизимидаги 1 дона насосни электр двигателини кичик қувватли электр двигателга алмаштириш ва ёритиш тизимларига 350 дона ҳаракатни сезувчи датчикларни ўрнатиш тадбирлари жамиятнинг техник-сиёсати режасидан ўрин олган.

Жамият томонидан юқорида қайд этилган чора-тадбирларнинг бажарилиши табиий газни иқтисод қилишга, фаолият самарадорлиги ва харажатларни иқтисод қилинишига олиб келади.


### **13. Персонални бошқариш соҳасида ривожланиш**

Газ қувурлари ва газ тақсимлаш тармоқларини ишончли эксплуатация қилиш, модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш профессионал ва малакали кадрларни талаб қилади.



Самарали кадрлар сиёсати “Ўзтрансгаз” АЖ ходимларининг муваффақиятли фаолиятининг энг муҳим шартидир. Бу борада жамиятда Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни, кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида кадрлар тайёрлаш борасида мақсадли ишлар амалга оширилмоқда.

### “Ўзтрансгаз” АЖнинг персонали тузилмаси



Газ саноатининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, унинг ишлаб чиқариш фаолияти, Жамиятнинг ходимлар таркиби қуйидагича тақсимланади:

- раҳбарлар – 219 нафар ёки 2,6%;
- мутахассислар – 335 нафар ёки 4%;
- техник персонал – 270 нафар ёки 3,2%;
- хизмат кўрсатувчи персонал – 695 нафар ёки 8,4%;
- ишлаб чиқариш ходимлари – 6 747 нафар ёки 81,6%.

Кадрлар Жамиятнинг асосий салоҳияти (ресурслари) бўлиб, бу борада “Ўзтрансгаз” АЖ томонидан қулай меҳнат шароитларини яратиш, меҳнат кафолатлари, имтиёзлар ва компенсациялар таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шунингдек, “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти ходимларининг касбий кўникмаларини эгаллаш, уларнинг кейинги мартабага кўтарилиш салоҳиятини аниқлаш, кадрлар захирасини шакллантириш, ички кадрлар билан таъминлаш, ходимлар ўртасида бошқарув маҳоратини аниқлаш, коррупция кўринишларининг олдини олиш мақсадида кадрлар алмашинуви тўғрисидаги низом қабул қилинган.

Ўқув курслари негизида малака ошириш ва қайта тайёрлаш йўналишида ҳамкорликда ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, “Газпром” ОАЖ ва “Ўзтрансгаз” АЖ ўртасида ходимларни тайёрлаш ва ўқитиш бўйича 2022 йил 9 сентябрда келишув имзоланган. Мазкур келишув доирасида 2023 йилда Жамият ижроия аппарати ва таркибий тузилмалари ходимларининг соҳа

йуналишлари бўйича малакасини ошириш режалаштирилган. Шунингдек, 2023 йилда ишчи ходимларни меҳнатини рағбатлантириш мақсадида, Жамиятнинг “Энг яхши пайвандчиси”, “Энг яхши газ тақсимлаш станцияси оператори” ва “Энг яхши электр монтери” танловларини ўтказиш режалаштирилган. Шу билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви Академияси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро муҳофазаси институти, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш маркази, Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш илмий-тадқиқот институти, Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ҳузуридаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти билан 2023 йилда ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш режалаштирилган.

## 14. “Ўзтрансгаз” АЖнинг трансформация қилиш ишлари юзасидан

 <b>Трансформация қилиш ишларига таълуқли меъёрий ҳужжатлар</b>	
<p>1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислохотлар тўғрисида”ги ПФ-101 сон қарори;</p>	<p>4 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сон фармони</p>
<p>2 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15 июндаги “Табиий газ бозорини ислоҳ қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-280-сон қарори;</p>	<p>5 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 августдаги “2022-2023 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-357-сон қарори</p>
<p>3 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6096-сон фармони</p>	<p>6 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 августдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4422 сонли қарори</p>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги 6096-сонли қарорига мувофиқ “Ўзтрансгаз” АЖ ва тармоқни ўзгартириш стратегияси ишлаб чиқилди. 2023 йилда трансформация идорасини шакллантиришнинг қуйидаги тамойиллари таклиф қилинди:

### I. Корпоратив трансформация бўйича

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислохотлар тўғрисида”ги ПФ-101 сон қарорига асосан, Жамият кузатув кенгашининг “Стратегия ва инвестициялар қўмитаси” тузилиб

қўмигага корхонанинг трансформация ва хусусийлаштириш жараёнларини доимий бошқариш вазифалари юклатилган. Жамият бошқаруви раисининг трансформация масалалари бўйича биринчи ўринбосари лавозими жорий этилиб, унга бўйсунадиган “Лойиҳа офиси” ташкил қилинган. Мазкур қарорга кўра, 2024 йил якунига қадар “Ўзтрансгаз” АЖ халқаро кредит рейтингини кўлга киритиши назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15 июндаги “Табиий газ бозорини ислоҳ қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-280-сон қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида Молия вазирлигига “Ўзтрансгаз” АЖни халқаро кредит рейтингини олиш бўйича чора-тадбирлар режасини тақдим этилган ва корпоратив кредит рейтингини олиш 2023 йилнинг биринчи ярмига режалаштирилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6096-сон фармонига асосан, Жамият кузатув кенгашини малакали хорижлик мутахассислар билан тўлдириш мақсадида Молия вазирлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлиги кўмагида Жаҳон банкининг “Институционал салоҳиятини ошириш IBL” лойиҳаси доирасида халқаро танлов эълон қилиниб “Strikitsa Consulting” Ltd (Буюк Британия) компанияси жалб қилинган. 2023 йилда кузатув кенгашига хорижий соҳа мутахассисларини жалб қилиш ишлари босқичма-босқич давом эттирилиб йил якунига қадар “Ўзтрансгаз” АЖ кузатув кенгаши хорижлик мутахассислар билан тўлдирилади.

2021 йилда «Pricewaterhouse Coopers» халқаро консалтинг компанияси ёрдамида 2020 йил учун Глобал ҳисобот ташаббуси (GRI)га мувофиқ “Барқарор ривожланиш ҳисоботи” тайёрланиб Жамиятнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган. Ҳозирда 2021-2022 йиллар учун худди шундай ҳисобот тайёрланмоқда ва ҳисоботларни текшириш мақсадида халқаро консалтинг компаниясини танлаш жараёни бошланди. 2023 йилда 2021-2022 йиллар учун «Ўзтрансгаз» АЖнинг “Барқарор ривожланиш ҳисоботи” халқаро консалтинг компаниясини томонидан тайёрланган аудит хулосасини олиш режалаштирилган.

Давлат иштирокидаги йирик корхоналарини трансформация жараёнларини жадаллаштириш мақсадида корхона акциядори Молия вазирлиги томонидан Жаҳон банки кўмагида хорижий маслаҳатчи Адамас Илкевискус жалб қилинган. Трансформация жараёнларини амалга ошириш доирасида 2023 йилда корхонанинг Корпоратив бошқарув кодексини ишлаб чиқиш режалаштирилган.

## **II. Рақамлаштириш бўйича**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сон Фармонининг 20-илоvasи 55-

бандига мувофиқ, 2023-2026 йилларда ERP тизимининг босқичларини жорий этиш мустақил модуллар орқали амалга оширилиши белгиланган.

2023 йилнинг биринчи ярмида маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда “Ходимларни бошқариш” ва “Автоматлаштирилган метрология” модулларини техник шартларини ишлаб чиқиш, мажбурий экспертизадан ўтказиш, тизимларни харид қилиш ва тизимларни ишга тушириш режалаштирилган.

Фармоннинг 20-илоvasи 58-бандида юқори босимдаги газ тақсимлаш тизимларини табиий газ оқимларини бошқариш ва мониторинг қилиш (SCADA) тизимини жорий қилиш мақсадида кейинги ишларни амалга оширилиши кўзда тутилган.

Шунга кўра, Лойиҳа концепциясини ишлаб чиқиш мақсадида техник топшириқ ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда тасдиқлаш;

Лойиҳа концепциясини ишлаб чиқиш мақсадида танлов ўтказиш ва шартнома имзолаш.

“Alcatel-Lucent Shanghai Bell Co. Ltd” томоинидан SCADA тизимини яратиш учун мўлжалланган ва ҳозирги кунда омборхоналарда сақланаётган ускуналардан максимал даражада фойдаланган ҳолда маслаҳатчилар тажрибаси асосида лойиҳани амалга ошириш Концепциясини тайёрлаш.

Лойиҳани амалга ошириш Концепциясини жамиятнинг Тармоқ илмий техник кенгашида тасдиқлаш ишларини яқунлаш режалаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 августдаги “2022-2023 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-357-сон қарорига асосан “Тезкор диспетчерлик ҳисобини юритиш автоматлаштирилган тизими” ҳамда “Энергия ресурслари ва технологик жараёнларнинг ҳисобини мониторинг қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш” белгиланган бўлиб, газ тақсимлаш станциялардаги электрон газ ҳисоблаш ускуналарини соzлаш, табиий газ балансини автоматик тарзда ҳисоблаш, ташқи аралашувларни тўлиқ назоратга олиш, янги ўлчов ускуналарини АСКУГ тизимига кўшиш ҳамда Давлат солиқ кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси ва “Худудгазтаъминот” АЖ тизимлари билан интеграция қилиш имкониятларига эга бўлган тизимларни жорий қилиш кўзда тутилган.

Солиқ кўмитаси, божхона кўмитаси ва “Худудгазтаъминот” АЖ тизимлари билан интеграция қилиш имконияти ҳамда тизим орқали газнинг ойлик тижорат хажмларини ёпиш имкониятига эга янги АСКУГ тизимини жорий қилиш;

Газ балансини ҳисоблаш ва газ узатиш тизимини моделлаштиришга, оптимал иш режимини сақлаб қолиш имкониятига эга янги дастурий таъминот жорий этиш режалаштирилган.

### **III. Энергия самарадорлигини ошириш бўйича**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 августдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи

энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4422 сонли Қарори ижроси жамиятимиз олдидаги устувор вазибалардан ҳисобланиб, ушбу йўналишда бир қатор тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

2021-2022 йилларда КРМГ консультантлари томонидан “Ўзтрансгаз” АЖ операцион самарадорлигини ошириш бўйича ўрганишлар олиб борилиб йўл харитаси ишлаб чиқилди. Йўл харитасида энергия самарадорлигини ошириш ва мавжуд ресурслардан фойдаланиш орқали компаниянинг энергия маҳсулотларига қарамлигини камайтириш бўйича таклифлар киритилган.

Ушбу таклифлардан келиб чиқиб, 2023 йилда компания энергия самарадорлиги икки босқичда амалга оширилиши белгилаб олинди.

### **1-БОСҚИЧ:**

1.1. Магистрал газ тизимидаги энергия шаклини ўзгартириш ва ўз эҳтиёжлари ва ташқи итеъмошчиларга йўналтириш мақсадида, ГТСларида Детандер генератор агрегатларини қўллаш. Жумладан:

- ДГА агрегатларини қўллаш мумкин бўлган объектларни аниқлаш мақсадида, лойиҳа-тадқиқот ишларини амалга ошириш;

- ДГА ўрнатиш тартибини аниқлаш мақсадида объектлар учун лойиҳа олди ҳужжатларни (Бизнес-режа, ЙТИХ, ТИХ, ТИА ва бошқалар) ҳисоблаш;

- ГТСларида ДГАни жорий этиш бўйича тажрибавий лойиҳалар натижаларини таҳлил қилиш. ДГАни саноат миқёсида жорий этиш лойиҳасини тайёрлаш (2023-2024 йиллар);

1.2. Энергия самарадорлигини ошириш ва мавжуд ресурслардан унумли фойдаланиш мақсадида магистрал газ қувирлари компрессор станциялари негизида "Чиқинди газ тизимидан электр энергияси ишлаб чиқарувчи қурилма қуриш". Жумладан:

- Қурилма қўллаш мумкин бўлган объектларни аниқлаш мақсадида, лойиҳа-тадқиқот ишларини амалга ошириш;

- Қурилма ўрнатиш тартибини аниқлаш мақсадида объектлар учун лойиҳа олди ҳужжатларни (Бизнес-режа, ЙТИХ, ТИХ, ТИА ва бошқалар) ҳисоблаш;

- Компрессор станцияларида қурилмани жорий этиш бўйича тажрибавий лойиҳалар натижаларини таҳлил қилиш.

### **2-БОСҚИЧ:**

Энергия бошқариш тизимини такомиллаштириш. Жумладан:

Энергия самарадорлигини оширишнинг узоқ муддатли стратегиясини ва энергия тизимини бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими концепциясини ишлаб чиқиш учун нуфузли консалтинг ташкилотини жалб қилиш;

Корхонанинг барча объектларида энергия истеъмолининг жорий даражасини, энергия интенсивлигини, энергия таркибини, энергия йўқотишларини ва энергия тежаш потенциалини баҳолаш;

Энергия самарадорлигини оширишнинг узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш;



Энергияни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими концепциясини ишлаб чиқиш;

Энергия бошқарувида автоматлаштирилган энергия бошқарув тизимини жорий этиш.

## **15. Жамиятни молиявий соғломлаштириш бўйича чора-тадбирлар**

“Ўзтрансгаз” АЖ хўжалик фаолиятини барқарор ривожлантириш, шунингдек, Жамиятнинг молиявий соғломлаштирилишини таъминлаш мақсадида 2023 йилда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15 июндаги “Табиий газ бозорини ислоҳ қилишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 280-сонли қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Идоралараро тариф комиссияси томонидан «Ўзтрансгаз» АЖнинг табиий газни ташиш хизмати учун тарифларни белгилашда унинг зиммасида қоладиган кредитор қарздорликлар тўлаб берилиши таъминланиши инобатга олиниши белгиланган.

Шунга кўра, “Ўзтрансгаз” АЖнинг зиммасидаги мажбуриятларни тўлиқ қоплаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳузуридаги идоралараро тариф комиссияси томонидан транспортировка хизмати нархи қайта кўриб чиқилиши ва 2023 йил 1 январдан хизмат нархини минг куб метр учун – 364 316 сўм этиб белгиланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Жамиятнинг кредиторлик қарзларини қисқартириш масаласини ҳал қилишда кўмаклашиш, бу ўз навбатида кредитга лаёқатлилиқни оширишга, ижобий кредит рейтингларини олишга ва Жамиятнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашга олиб келади;

Солиқ юкини камайтиришга кўмаклашиш, хусусан, табиий газнинг республика ҳудудида транзитида акциз солиғи тўлашдан 2023 йил учун ҳам озод қилиш. Қолган маблағлар Молия вазирлиги олдидаги қарздорликни қоплаш мақсадида ишлатилиши мумкин;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4388-сон қарорига асосан “Ҳудудгазтаъминот” АЖ томонидан аҳолига етказиб берилган табиий газ учун 7 285,6 млрд.сўм миқдоридаги дебитор қарздорлик қабул қилиниши;

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг (ПҚ-4388 сонли қарорга асосан “Ҳудудгазтаъминот” АЖни уставини шакллантириш учун берилган активлар) 2 640,3 млрд.сўм миқдоридаги дебитор қарздорликни ундирилиши Жамиятни янада соғломлашишига олиб келади.

### ***Жамиятнинг харажатларини камайтириш масаласи бўйича:***

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан “Ўзтрансгаз” АЖ мутахассислари билан биргаликда 2023 йилга режалаштирилган харажатлар қайта кўриб чиқилиб, 2023 йилда 2 490,5 млрд сўм харажатларни камайтириш имкониятлари мавжудлиги ҳисоб-китоб қилиниб 2023 йил 21 августда тегишли маълумотнома расмийлаштирилган.



Камайтирилиши кутилаётган 2 490,5 млрд сўм харажатларнинг 2 209,5 млрд. сўми оптималлаштириш ва 281,0 млрд сўми иқтисод қилиш ҳисобига қисқартирилиши мумкин.

Жумладан: инвестиция (саноат ва ижтимоий) объектларни қуриш ва модернизация ишларини оптималлаштириш ҳисобига 2 209,5 млрд сўм; харидлар нархларини пасайтириш ҳисобига 264,3 млрд сўм (жорий йил 1-ярим йилликда 250,9 млрд сўм иқтисод қилинган);

- ёқилғи-энергетика ресурсларини истеъмол қилишни самарадорлигини ошириш ва энергия сиғимини камайтириш ҳисобига 16,7 млрд сўм (жорий йил 1-ярим йилликда 15,7 млрд сўм иқтисод қилинган).

“Ўзтрансгаз” АЖнинг 2022 йилдаги операцион ва капитал харажатлари 18 292,4 млрд. сўмни ташкил этиб, 2023 йилда мазкур харажатлар 13 914,5 млрд. сўм режалаштирилган. Шунга кўра, 2023 йилда қисқартирилиши кутилаётган 2 490,5 млрд. сўм харажатлар умумий операцион ва капитал харажатлар (13 914,5 млрд сўм)нинг 17,9 фоизни ташкил этади. Жорий йилнинг 1-ярим йиллигида 266,7 млрд сўм харажатлар қисқартирилган.

Ҳисоб палатаси томонидан ўрганиш давомида аниқланган ҳолатлар бўйича харажатларни қисқартириш юзасидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, шу асосда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан “Йўл харита”си тасдиқланган.

Шунга кўра, ушбу “Йўл харитаси”нинг ижросини таъминланиши қатъий назоратга олинган ҳолда инвестицион ва капитал қуйилмалар амалга оширишдан олдин бу лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлиги ва муҳимлигига алоҳида эътибор қаратган ҳолда манзилли дастурга киритиш чоралари кўриб борилади.

Шунингдек, харидларни режалаштириш ва амалга оширишда омбордаги товарлар қолдиғини ҳисобга олган ҳолда ҳақиқий эҳтиёждан келиб чиқиб харидларни амалга ошириш мажбуриятлари белгиланди.

Бундан ташқари, “2022-2023 йилларда “Ўзтрансгаз” АЖ газ узатиш тизимини модернизация қилиш ва самарадорлигини ошириш дастури” инвестиция лойиҳасини амалга ошириш ўз эҳтиёжлари учун электр энергияси ва табиий газ сарфини камайтириш ҳисобига ишлаб чиқариш таннархини камайтиришга олиб келади.

Шунингдек, мол-мулкнинг мавжудлиги ва ҳаракати, моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларнинг тасдиқланган нормативлар ва харажатлар сметаларига мувофиқ ишлатилиши устидан доимий назоратни амалга ошириш.

**“Ўзтрансгаз” АЖнинг 2022-2023 йилларга мўлжалланган газ узатиш тизими унумдорлигини ошириш бўйича иш режаси**

№	Лойиҳа номи	Ишнинг нархи млн.дол (ҚҚСсиз)	Амалга ошириш муддати
1.	ЎОМ (САЦ) қўшимча тармоғини қурилиши 80 км;	73,91	2023
2.	“Янгиер-Оҳангарон” магистрал газ қувурининг 30-125 км қисмини қўшимча қуриш (узунлиги 95 км).	85,34	2023
3.	Газли 4 ва 5 компрессор станцияларидаги газ ҳайдаш агрегатларини алмаштириш.	49,44	2023
4.	Газли-Чимкент йўналиши бўйича газ ўтказувчанлигини кенгайтириш ва қиш мавсумида Қозоғистон орқали газ транзитини ошириш.	12,40	2022-2023
<b>Қўшимча таклиф қилинадиган лойиҳалар</b>			
5.	Газли-Когон участкасида газ ўтказувчанлигини суткасига тахминан 7 млн. м <sup>3</sup> га қўшимча ошириш	40,6	2022-2023
6.	Когон-Муборак участкасида газ ўтказувчанлигини суткасига тахминан 5 млн. м <sup>3</sup> га қўшимча ошириш	30,25	2022-2023
7.	Газли ГЕОСИда газни сақлаш ҳажмларини ҳамда иншоотдан газ тортиб олиш қувватини ошириш	557,4	2022-2023

**“Ўзтрансгаз” АЖнинг 2023 йил молиявий натижаси прогнози**

*млрд. сўм*

№	Кўрсаткичлар номи	Йил давомида	шу жумладан, чораклар кесимида			
			I	II	III	IV
<b>I</b>	<b>Даромадлар, жами</b>	<b>14 515,31</b>	<b>3 605,88</b>	<b>2 900,68</b>	<b>3 367,26</b>	<b>4 641,49</b>
<b>II</b>	<b>Маҳсулот сотишдан соф тушум</b>	<b>14 515,31</b>	<b>3 605,88</b>	<b>2 900,68</b>	<b>3 367,26</b>	<b>4 641,49</b>
	<b>Харажатлар, жами</b>	<b>9 020,15</b>	<b>2 005,50</b>	<b>2 028,86</b>	<b>2 454,59</b>	<b>2 531,20</b>
	<b>Сотилган маҳсулотларнинг таннархи</b>	<b>8 485,01</b>	<b>1 890,81</b>	<b>1 901,25</b>	<b>2 305,36</b>	<b>2 387,59</b>
	<b>Ишлаб чиқариш харажатлари</b>	<b>7 412,26</b>	<b>1 683,19</b>	<b>1 656,23</b>	<b>1 989,59</b>	<b>2 083,25</b>
	<i>Хом ашё (табиий газ) сотиб олиши</i>	3 972,05	845,39	821,72	1 133,16	1 171,78
	<i>Ишлаб чиқаришга оид материаллар</i>	130,27	48,88	47,93	22,50	10,97
	<i>Кўрсатиладиган иш ва хизматлар</i>	858,93	204,34	220,39	215,47	218,74
	<i>Табиий хом ашё (сув)</i>	7,92	1,24	2,59	2,77	1,31
	<i>Ёқилги-мойлаш маҳсулотлари харажатлари</i>	19,39	5,10	4,87	4,78	4,63
	<i>Электр-энергия харажатлари</i>	564,75	164,48	118,30	122,42	159,54
	<i>Ўз эҳтиёжи ва технологик йўқотишлар</i>	946,15	185,61	212,29	260,23	288,02
	<i>Капитал таъмир (манзилли руйхат)</i>	913,99	228,50	228,50	228,50	228,50
	<i>Иш ҳақи харажатлари</i>	388,76	87,61	91,50	103,96	105,70
	<i>Ижтимоий солиқ</i>	46,65	10,51	10,98	12,47	12,68
	<b>Ишлаб чиқариш билан боғлиқ асосий воситаларнинг эскириши</b>	<b>448,35</b>	<b>79,94</b>	<b>77,16</b>	<b>132,86</b>	<b>158,39</b>
	<b>Бошқа ишлаб чиқариш харажатлари</b>	<b>190,19</b>	<b>29,92</b>	<b>65,74</b>	<b>66,72</b>	<b>27,81</b>
<b>III</b>	<b>Маҳсулот сотишдан ялпи фойда</b>	<b>6 030,30</b>	<b>1 715,07</b>	<b>999,43</b>	<b>1 061,90</b>	<b>2 253,90</b>
	<b>Давр харажатлари, жами</b>	<b>535,14</b>	<b>114,69</b>	<b>127,61</b>	<b>149,22</b>	<b>143,61</b>
	<i>Маъмурий харажатлар</i>	112,69	26,46	26,95	29,60	29,69
	<i>бошқарув ходимларининг иш ҳақи харажатлари</i>	72,11	16,49	16,94	19,30	19,39
	<i>ижтимоий солиқ</i>	8,65	1,98	2,03	2,32	2,33
	<i>маъмурий асосий воситалар эскириши</i>	16,43	4,12	4,10	4,10	4,10
	<i>бошқа бошқарув харажатлари</i>	15,49	3,87	3,87	3,87	3,87
	<i>Бошқа операцион харажатлар</i>	422,45	88,24	100,66	119,63	113,92
	<i>солиқлар ва йиғимлар бўйича бюджет тўловлари</i>	86,27	19,67	20,85	22,60	23,14
	<i>банк хизматлари ва номоддий хизматлар тўловлари</i>	38,38	12,16	8,74	13,54	3,94
	<i>компенсация ва рағбатлантириш тусидаги тўловлар</i>	258,68	48,66	57,94	74,12	77,96
	<i>Ҳомийлик ёрдамлари</i>	5,75	-	5,00	0,75	-
	<i>бошқа операцион харажатлар</i>	33,37	7,74	8,14	8,62	8,88
	<b>Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари</b>	<b>-</b>	<b>382,7</b>	<b>-</b>	<b>-</b>	<b>-</b>
<b>IV</b>	<b>Асосий фаолиятнинг фойдаси</b>	<b>5 877,87</b>	<b>1 983,10</b>	<b>871,82</b>	<b>912,68</b>	<b>2 110,29</b>
	<i>Молиявий фаолият даромадлари</i>	-	-	-	-	-
	<i>Молиявий фаолият харажатлари</i>	<b>3 698,68</b>	<b>764,75</b>	<b>944,59</b>	<b>1 002,30</b>	<b>987,05</b>
<b>V</b>	<b>Умумхўжалик фаолияти фойдаси</b>	<b>2 179,19</b>	<b>1 218,35</b>	<b>-72,77</b>	<b>-89,63</b>	<b>1 123,24</b>
<b>VI</b>	<b>Солиқлар тўлашдан олдинги фойда</b>	<b>2 179,19</b>	<b>1 218,35</b>	<b>-72,77</b>	<b>-89,63</b>	<b>1 123,24</b>
	<i>Даромад (фойда) солиғи</i>	-	-	-	-	-
<b>VII</b>	<b>Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарар)</b>	<b>2 179,19</b>	<b>1 218,35</b>	<b>-72,77</b>	<b>-89,63</b>	<b>1 123,24</b>

**“Ўзтрансгаз” АЖнинг 2023 йилга мўлжалланган  
молиявий-хўжалик фаолияти (пул оқимлари)**

*млрд. сўм*

<b>№</b>	<b>Кўрсаткичлар номи</b>	<b>Режа</b>
1.	Маҳсулотни сотишдан соф тушум	14 515,31
2.	Сотилган маҳсулотнинг таннархи	8 485,01
3.	Маҳсулот сотишнинг ялпи фойдаси / зарари	6 030,30
4.	Давр харажатлари, жами	535,14
5.	Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	382,7
6.	Асосий фаолиятнинг фойдаси	5 877,87
7.	Молиявий фаолиятнинг даромадлари	0
8.	Молиявий фаолиятнинг харажатлар	3 698,68
9.	Умумхўжалик фаолияти фойдаси / зарари	2 179,19
10.	Даромад солиғи	0
11.	<b>Ҳисобот даврининг соф фойдаси / зарар</b>	<b>2 179,19</b>
12.	<b>Пул маблағларининг келиши:</b>	<b>7 316,46</b>
	<b>Соф фойда</b>	<b>2 179,19</b>
	<b>Амортизация</b>	<b>464,8</b>
	<b>Кредит</b>	<b>1 295,68</b>
	<b>Курс фарқи</b>	<b>3 086,46</b>
	<b>ҚҚСни ҳисобга олиш</b>	<b>290,35</b>
13.	<b>Пул маблағларининг чиқиши</b>	<b>10 158,25</b>
	<b>Капитал қўйилмалар</b>	<b>2 709,96</b>
	<b>Мажбуриятлар</b>	<b>7 284,09</b>
	<b>Ускуналар сотиб олиш</b>	<b>163,42</b>
	<b>Дивидендлар тўлаш</b>	<b>0,8</b>
14.	<b>Соф пул оқими*</b>	<b>-2 841,79</b>

\*Соф пул оқими бўйича тақчиллик (дефицит) – 2 841,8 млрд. сўмни ташкил этиши режалаштирилди

“Ўзтрансгаз” АЖ ижро этувчи органи фаолияти самарадорлиги муҳим кўрсаткичларини (СМК) баҳолаш прогнози

№	Кўрсаткичлар номи	Улуши			
		1 чорак	1 ярим йил	9 ой	йиллик
1	2	3	4	5	6
I	<b>Асосий кўрсаткичлар</b>				
1.	Соф тушум режасини бажарилиши (млн.сўм)	12	12	12	12
2.	Соф фойда (зарар) режасини бажарилиши (млн.сўм)	15	15	15	15
3.	Активлар рентабеллиги (%)	10	10	10	10
4.	Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш даражаси	13	13	13	13
5.	Қамров нисбати (тўлов қобилияти)	15	15	15	15
6.	Молиявий мустақиллик нисбати	10	10	10	10
7.	Дивидендларнинг даромадлилиги (минг.сўм)	X	X	X	X
8.	Маҳаллийлаштириш дастури бўйича параметрларининг бажарилиш даражаси (%)	15	15	15	15
9.	Инвестиция дастурларини амалга ошириш ** (%)	10	10	10	10
10.	Акциядорларнинг сармоядан қайтиши * (TSR - Total Shareholders Return) (%)	X	X	X	X
	<b>Асосий кўрсаткичлар бўйича жами</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>
II	<b>Қўшимча кўрсаткичлар</b>				

№	Кўрсаткичлар номи	Улуши			
		1 чорак	1 ярим йил	9 ой	йиллик
1	2	3	4	5	6
1.	Солиқ ва фоизлар тўланиши олдидан даромад * (EBIT - Earnings Before Interest, Taxes)	X	X	X	X
2.	Фоиз, солиқ ва амортизациядан олдинган фойда * (EBITDA - Earnings Before Interest, Taxes, Depreciation & Amortization)	X	X	X	X
3.	Харажатлар ва даромадлар нисбати (CIR - Cost Income Ratio)*	X	X	X	X
4.	Олинган капиталнинг даромадлиги * (ROCE - Return on Capital Employed)	X	X	X	X
5.	Қимматли қоғозларнинг рентабеллиги * (ROE - Return On Equity)	X	X	X	X
6.	Мутлақ ликвидлик даражаси	5	5	5	5
7.	Кредиторлик қарзларнинг айланмаси	5	5	5	5
8.	Дебиторлик қарзларнинг айланмаси	5	5	5	5
9.	Асосий воситаларнинг эскириш даражаси	5	5	5	5
10.	Асосий воситаларни янгилаш коэффициенти	X	X	X	5
11.	Меҳнат унумдорлиги (млн.сўм)	10	10	10	10
12.	Активларнинг даромадлиги (млн.сўм)	10	10	10	10



№	Кўрсаткичлар номи	Улуши			
		1 чорак	1 ярим йил	9 ой	йиллик
1	2	3	4	5	6
13.	Кадрлар малакасини ошириш харажатлари (ходим бошига) (минг.сўм)	5	5	5	5
14.	Ходимлар алмашинуви даражаси	5	5	5	5
15.	Энергия самарадорлиги (ишлаб чиқариш харажатлари таркибида энергия харажатларининг улуши % да)	10	10	10	5
16.	Ўзбекистон Республикасида газ транспорт қилиш параметрларининг бажарилиш кўрсаткичи (%)	10	10	10	10
17.	Транзит параметрларининг бажарилиш кўрсаткичи (%)	5	5	5	5
18.	Ишлаб чиқариш кувватларидан фойдаланиш кўрсаткичи амалда бажарилишини ҳисобга олган ҳолда, табиий газни ўз эҳтиёжлари ва технологик йўқотишлар учун сарфлашдан ошмаслиги (%)	10	10	10	10
19.	Техник сиёсат кўрсаткичларининг бажарилиши (%)	5	5	5	5
20.	Капитал қурилиш лойиҳаларининг манзилли рўйхати билан тасдиқланган маблағларни ўзлаштирилиши (млрд.сўм)	10	10	10	10
	<b>Қўшимча кўрсаткичлар бўйича жами</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>
	<b>Самарадорликнинг интеграл коэффиценти</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>

**“Ўзтрансгаз” АЖ ижро этувчи органи фаолияти самарадорлиги муҳим кўрсаткичларини (СМК) баҳолаш прогнози**

№	Кўрсаткичлар номи	2023 йилнинг режа кўрсаткичлари				Меъёр	Изоҳ
		1 чорак	1 ярим йил	9 ой	йил		
1	2	3	4	5	6	7	8
I	<b>Асосий кўрсаткичлар</b>						
1.	Соф тушум режасини бажарилиши (млн.сўм)	3 605 882	6 506 558	9 873 821	14 515 307	Йўқ	ЎзР ВМнинг 09.12.2020 йилдаги №775 сонли қарори 3б иловаси
2.	Соф фойда (зарар) режасини бажарилиши (млн.сўм)	1 218 349	1 145 578	1 055 950	2 179 191	Йўқ	
3.	Активлар рентабеллиги (%)	0,05	0,05	0,05	0,05	≥ 0,05	
4.	Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш даражаси	1	1	1	1	> 0,5	
5.	Қамров нисбати (тўлов қобилияти)	1,25	1,25	1,25	1,25	≥ 1,25	
6.	Молиявий мустақиллик нисбати	1	1	1	1	≥ 1	
7.	Дивидендларнинг даромадлилиги (минг.сўм)	X	X	X	X	Йўқ	Оддий Аксиялар бўйича дивидендлар тўланмайди (соф зарар)
8.	Маҳаллийлаштириш дастури бўйича параметрларининг бажарилиш даражаси (%)	100	100	100	100	100%	Мақсадли қиймат тегишли

№	Кўрсаткичлар номи	2023 йилнинг режа кўрсаткичлари				Меъёр	Изоҳ
		1 чорак	1 ярим йил	9 ой	йил		
1	2	3	4	5	6	7	8
							маҳаллийлаштириш дастурида аниқланади
9.	Инвестиция дастурларини амалга ошириш ** (%)	100	100	100	100	100%	Мақсадли қиймат тегишли инвестиция дастурида аниқланади
10.	Акциядорларнинг сармоядан қайтиши * (TSR - Total Shareholders Return) (%)	X	X	X	X	Йўқ	МХХС ҳисоботида ўтгандан кейин тўлдирилади
<b>II</b>	<b>Қўшимча кўрсаткичлар</b>						
1.	Солиқ ва фоизлар тўланиши олдида даромад* (EBIT - Earnings Before Interest, Taxes)	X	X	X	X	Йўқ	МХХС ҳисоботида ўтгандан кейин тўлдирилади
2.	Фоиз, солиқ ва амортизациядан олдинган фойда * (EBITDA - Earnings Before Interest, Taxes, Depreciation & Amortization)	X	X	X	X	Йўқ	
3.	Харажатлар ва даромадлар нисбати (CIR - Cost Income Ratio)*	X	X	X	X	Йўқ	
4.	Олинган капиталнинг даромадлиги * (ROCE - Return on Capital Employed)	X	X	X	X	Йўқ	
5.	Қимматли қоғозларнинг рентабеллиги * (ROE - Return On Equity)	X	X	X	X	Йўқ	

№	Кўрсаткичлар номи	2023 йилнинг режа кўрсаткичлари				Меъёр	Изоҳ
		1 чорак	1 ярим йил	9 ой	йил		
1	2	3	4	5	6	7	8
6.	Мутлақ ликвидлик даражаси	0,2	0,2	0,2	0,2	≥ 0,2	ВМнинг 09.12.2020 йилдаги №775 сонли қарори 3б иловаси
7.	Кредиторлик қарзларнинг айланмаси	90	90	90	90	90 кун	ЎзР Президентининг ПФ1154-сонли фармони
8.	Дебиторлик қарзларнинг айланмаси	90	90	90	90	90 кун	
9.	Асосий воситаларнинг эскириш даражаси	0,5	0,5	0,5	0,5	< 0,5	ВМнинг 09.12.2020 йилдаги №775 сонли қарори 3б иловаси
10.	Асосий воситаларни янгилаш коэффициенти	X	X	X	0,4	Йўқ	Коэффициент йил якунида ҳисобланади
11.	Меҳнат унумдорлиги (млн.сўм)	821,7	1 368,9	1 993,7	2 779,5	Йўқ	ВМнинг 09.12.2020 йилдаги №775 сонли қарори 3б иловаси
12.	Активларнинг даромадлиги (млн.сўм)	2	3	3,5	4	Йўқ	
13.	Кадрлар малакасини ошириш харажатлари (ходим бошига) (минг.сўм)	171	342	513	684	Йўқ	
14.	Ходимлар алмашинуви даражаси	1	1	1	1	≤ 1,0	
15.	Энергия самарадорлиги (ишлаб чиқариш харажатлари таркибида энергия харажатларининг улуши % да)	2,0	2,0	2,0	2,0	Йўқ	
16.	Ўзбекистон Республикасида газ транспорт қилиш параметрларининг бажарилиш кўрсаткичи (%)	100	100	100	100	100%	Кўрсаткич 2023 йил учун табиий газ ресурслари ва тақсимооти балансида ўрнатилади

№	Кўрсаткичлар номи	2023 йилнинг режа кўрсаткичлари				Меъёр	Изоҳ
		1 чорак	1 ярим йил	9 ой	йил		
1	2	3	4	5	6	7	8
17.	Транзит параметрларининг бажарилиш кўрсаткичи (%)	100	100	100	100	100%	Мақсадли қиймат тегишли давлат дастурида белгиланади
18.	Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш кўрсаткичи амалда бажарилишини ҳисобга олган ҳолда, табиий газни ўз эҳтиёжлари ва технологик йўқотишлар учун сарфлашдан ошмаслиги (%)	100	100	100	100	100%	Кўрсаткич 2023 йил учун табиий газ ресурслари ва тақсимоти балансида ўрнатилади
19.	Техник сиёсат кўрсаткичларининг бажарилиши (%)	100	100	100	100	100%	Кўрсаткич Жамиятнинг Техник сиёсат департаменти томонидан ўрнатилади
20.	Капитал қурилиш лойиҳаларининг манзилли рўйхати билан тасдиқланган маблағларни ўзлаштирилиши (млрд.сўм)	80	140	200	320	Йўқ	Кўрсаткич “Ўзтрансгаз” АЖ қурилиш объектларининг тасдиқланган манзилли рўйхати асосида ўрнатилади

## “Ўзтрансгаз” АЖнинг 2023 йилдаги инвестиция дастури

№	Лойихалар номи ва молиялаштириш манбалари	Лойиҳанинг умумий қиймати, млн.долл. АҚШ	Амалга ошириш муддати	2023 йилдаги ўзлаштириш кўрсаткичи, млн. долл. АҚШ	Режалаштирилган тадбирлар
1.	“Газли газни ер остида сақлаш иншоотида газни сақлаш ҳажмини 10 млрд. куб метргача ошириш ҳамда Газли конининг газ ва нефть уюмларида қўшимча геологик қидирув ишларини бажариш ва уларни яқунловчи босқичда ишлатиш” (1-босқич)	557,4	2020-2025 йиллар	138,0	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Газли ГЕОСИни 6 млрд. куб метргача кенгайтириш доирасида қудуқларни қуриш;</li> <li>- 6 млрд.куб.метргача кенгайтириш доирасида қудуқларни қуриш, газқувур-коллекторларини қуриш;</li> <li>- 6 млрд.куб.метргача кенгайтириш доирасида компрессор станцияси ва газ тозалаш объектларини қуриш;</li> <li>- 6 млрд.куб.метргача кенгайтириш доирасида Газ йиғиш пунктларини, ички тармоқларни ҳамда газ қувурларини ва бошқа объектларни қуриш;</li> <li>- Газ қазиб чиқаришни йилига 1 млрд.куб.метрга етказиш мақсадида қудуқларни қуриш ва жиҳозлаш.</li> </ul>
	Ўз маблағлари	288,7		86,0	
	Тўғридан-тўғри инвестиция ва кредитлар	268,7		52,0	
2.	“2021-2022 йилларда “Ўзтрансгаз” АЖ магистрал газ узатиш тизимини модернизация қилиш ва самарадорлигини ошириш дастури”	489,5	2021-2023 йиллар	53,0	<ul style="list-style-type: none"> <li>- “Газли” компрессор станциясининг 6 та газ трубинали двигателларни алмаштириш орқали модернизация қилиш;</li> <li>- Мавжуд 28 км масофадаги газ қувурларини мукамал таъмирлаш;</li> <li>- 95 км масофадаги янги газ узатиш қувурини қуриш.</li> </ul>
	Тижорат банк кредитлари	485,9		53,0	
<b>Жами:</b>		<b>1 043,32</b>		<b>191,0</b>	